

Муслима аёл юрак учун фойдали қурилма ҳалқасини ишлаб чиқди



18:00 / 26.01.2022 2211

Муслима аёл Марям Нур Даниядаги Орхус университети касалхонаси кардиологлари билан ҳамкорликда юрак клапанларини сиқадиган ҳалқа ишлаб чиқди.

Юрак қопқоғининг оқиши ёки аорта етишмовчилиги — бу чап қоринча ва асосий артерия ўртасидаги қопқоқ тўлиқ ёпилмаслик ҳолатидандир.

Қопқоқдан оқаётганда қоннинг бир қисми юракка қайтади, шунинг учун у қонни помпаламак учун кўпроқ ишлайди. Энг ёмон ҳолатда, бу юрак етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Шифокорлар буни касал юрак қопқоғини тuzатиш ёки сунъий юрак қопқоғини киритиш орқали амалга оширишлари мумкин.

Ҳар иккала жарроҳлик ечими ҳам асоратлар хавфига эга, шунинг учун Орхус университети муҳандислари бир неча йил давомида юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар учун янги жарроҳлик технологиясини ишлаб чиқиш устида ишламоқда.

Орхус университетининг электр ва компьютер технологиялари бўлими ҳамда Орхус университети касалхонасининг юрак-қон томир ва ўпка жарроҳлиги бўлими докторанти (стажёр тадқиқотчи) Марям Нур қон қайтарилишининг олдини олиш ҳалқасини ишлаб чиқди. Марям Нур ўзининг докторлик лойиҳаси доирасида муҳандис сифатида юрак клапанларини ёпиши мумкин бўлган ҳалқани ишлаб чиқди ва шу билан келажакда юрак касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашга таъсир қилиши мумкин.

Хуршид Маъруф